



ИЛМИЙ МАҚОЛАДА АННОТАЦИЯ, УНИНГ МАЪНОСИ, СТРУКТУРАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Салоева Ҳилола Равшан қизи,
“Илм-фан ва инновацион ривожланиш”
журнали бош муҳаррири;
e-mail: Saloeva.hilola@mail.ru;
ORCID: 0000-0003-0981-8565

Аннотация лотинча “*annotatio*” – “изоҳ” сўздан олинган бўлиб, бирор-бир асар, китоб, қўлёзма, монография, мақола, патент, адабиёт ёки нашрнинг қисқача тавсифини билдиради. Аннотация сўзи француз тилидаги “*résumé*” – “қискартирилган”, “умумлаштирилган” ва инглиз тилидаги “*summary*” – “хулоса” сўзларининг эквивалентидир.

Аннотациянинг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу тушунча илк бор 1800 йилларнинг бошларида Англияда пайдо бўлган. Бу даврда Қироллик жамияти ўз йиғилишларида тақдим этиладиган ҳисоботларни умумлаштириб, аннотация кўринишида чоп эта бошлаган. Ўттиз йилдан сўнг Қироллик жамияти 1800 йилдан 1837 йилгача *Philosophical Transactions* журналида нашр қилинган барча мақолалар аннотацияларини жамлаб, «*Abstracts of the Papers Printed in the Philosophical Transactions of the Royal Society of London*» (Лондон қироллик жамиятининг “Фалсафий битиклар”ида нашр этилган мақолалардан парчалар) деб номланган иловада алоҳида чоп қилади. Кейинчалик бу амалиёт давом этиб, бошқа журналлар ҳам шу тарзда аннотацияларни чоп эта бошлайди.¹

Академик адабиётларда аннотациялардан мураккаб тадқиқотларнинг қисқа ва лўнда мазмунини акс эттириш мақсадида фойдаланилади. Бунда илмий тадқиқотлар

мазмун, таҳлиллар ва натижалар жамланиб, илмий мақола тарзида шакллантирилади.

Шу ўринда “**реферат**” тушунчаси ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки баъзи муаллифлар уни аннотация ўрнида қўллайди. Реферат бирламчи манбанинг асосий маълумотларини семантик (мазмунан) қайта ишлашга қаратилган қисқача тақдимот бўлса, аннотация манбанинг мавзуси ва тузилиши ҳақида умумий фикрни ифодалайди. Реферат аннотацияга қараганда кенгрок тушунча бўлиб, манбанинг керакли қисми – “мағзи”дан ташкил топади, матнда келтирилган тўлиқ гаплардан тузилади. Аннотацияда эса бунга мутлақо йўл қўйилмайди. Унда материалнинг юқори даражада абстракцияси ва умумлаштирилиши назарда тутилади, яъни бирламчи манбанинг тематик мазмуни “муаллифнинг ўз сўзлари” билан ифодаланади – гаплар тўлиқ кўчирилмайди. Шунинг учун аннотацияда баҳоловчи элемент пайдо бўлади, бу табиий ҳолатдир. Унда асосий манбада келтирилган маълумотларга нисбатан муносабат акс этади.

Аннотацияни **тезис** билан ҳам чалкаштирмаслик керак. Тезис мустақил асар сифатида майдонга чиқа олади, аннотация эса илмий мақоланинг таркибий қисми ҳисобланади. Тезисда мазмун-композицион тузилиш – муқаддима, асосий қисм (асосий мавзу баёни) ва хулоса бўлади. Тезислар аниқ-фактик баён эмас, балки модал

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BD%D0%BD%D0%BE%D1%82%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F/>.



тасдиқловчи ҳукм, яъни тугалланган фикр, хулоса характериға эға. Шунинг учун ҳам тезис ёзганда, уни резюме, аннотация, рефератдан фарқлай олиб, нутқ нормаларига алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

Аннотация илмий мақоланинг асосий мазмунини ўзида акс эттиргани учун тадқиқотларни интернет тармоғидан излашда қўл келади. Сабаби аксарият илмий адабиёт ва нашр сайтлари ҳамда маълумотлар базалари мақола матнини кенг фойдаланувчилар эътиборига тўлиқ ҳолда жойлаштирмайди, аксинча, фақат аннотацияларни индексациялайди. Яъни кидирув маълумотлар базасига аннотацияларнинг ўзи жойлаштирилади ва улар орқали мақолани излаб топиш имконияти яратилади.

Демак, аннотацияда қайд этилган маълумотларга қараб, фойдаланувчи ва ўқувчилар ўзларига керакли бўлган илмий иш ва мақолалар матнини юклаб оладилар (улар, асосан, пуллик тарзда юклаб олиш учун жойлаштирилади). Бунинг учун эса аннотация мақола-

да келтирилган маълумотларнинг барчасини камраб олган бўлиши керак. Бундан келиб чиқадики, илмий мақоланинг оммалашуви аннотациянинг тўлиқ ва батафсил – талаб даражасида ёзилишига бевосита боғлиқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, нафақат тажрибасиз, балки тажрибали муаллифлар орасида ҳам аннотацияни икки-учта гапдан иборат қилиб ёзадиганлари бор. Улар аннотацияни кенгайтириш лозимлиги ҳақидаги талабни тўғри тушунмай, буни таҳририятнинг бюрократик тизими деб баҳолайди ва қўплаб эътирозлар билдиради. Бу тоифа муаллифларимизга қарата яна бир бор таъкидламоқчимиз: аннотациянинг талаб даражасида шакллантирилиши фақат ва фақат муаллиф илмий иши оммалашувининг гаровидир.

Қуйида аннотацияни талаб даражасида расмийлаштириш тартиби ҳақида сўз юритамиз.

“Илм-фан ва инновацион ривожланиш” илмий журнали талабларига кўра, аннотацияни қуйидагича ёзиш белгиланган:

Аннотацияда тадқиқот мавзусининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилиши зарур, яъни мақоланинг қисқача мазмуни ва тавсифи берилди.

Аннотация таркибий жиҳатдан мақола мазмунининг қуйидаги қисмларини ўз ичига олиши керак:

тадқиқотнинг предмети, мавзуси, мақсади, долзарблиги, муаммонинг қўйилиши;

тадқиқот методи/методологияси;

ишнинг натижалари;

натижаларнинг қўлланиш соҳаси;

хулосалар.

Юқоридаги композиция асосида аннотация бир бутун матн кўринишида ёзилади, абзац ва бўлимларга ажратилмайди.

Аннотация ҳажми 150-250 та сўз атрофида бўлиши лозим. Унда ортиқча, кераксиз сўзлар ишлатиш, батафсил тавсифлар келтириш, мақоладаги гаплардан нусха кўчириш, сарлавҳани айнан ёзиш, қисқартмалар қўллаш, манбаларга ҳавола (ссылка)лар келтириш мумкин эмас.

Юқорида келтирилган талаблар асосида аннотациянинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, структурасининг мукамал ва халқаро талаблар даражасида тузилишини таъминлайди.

Илмий мақола қайси соҳа йўналиши бўйича ёзилаётган бўлса, аннотация ҳам шу фан соҳасидан келиб чиқиб шакллантирилади. Масалан, ҳуқуқшуносликка оид аннотацияларда қонун ҳужжатлари ва юридик



тушунчалардан, тиббиёт, биология, кимё, физика-математика фанларига оид аннотацияларда эса кўпроқ атамалардан фойдаланилади. Бу каби аннотацияларга интернет тармоғидан кўплаб мисоллар топиш мумкин. Улар бир-биридан мазмуни, шакли ва етказиш услуби билан фарқланади.

Шунингдек, илмий мақолани оммалаштириш ва унинг қидирув тизимларида топилишини осонлаштириш мақсадида аннотацияда **калит сўзлардан** фойдаланиш тавсия этилади.

Илмий мақола тайёрлашга оид қўлланмаларда аннотациялар ёзишда куйидаги кириш сўзлар, умумий иборалар, “шаблон” ва “клише” (қолипдаги гап)лардан фойдаланиш тавсия этилади:

- *мақолада ўрганилади, таҳлил қилинади;*
- *муаллиф томонидан маълумотлар келтирилган;*
- *материал характеристикани беради;*
- *.... дан фойдаланиб, муаллиф ўз тадқиқотида исботлайди;*
- *мақола очиб беради, тавсифлайди;*
- *мақолада батафсил ёритилган таҳлил қилинган;*
- *мақола муаллифи таклиф қилади, излайди, тавсифлайди;*
- *мақолада тадқиқот натижалари келтирилган;*
- *мақолада тушунчалар очиб берилади, таклифлар келтирилади;*

• *кўриб чиқилаётган мавзуда ёритилган;*

- *.... кейинги ўрганиш учун қўл келади;*
- *мақолада амалий тажриба умумлаштирилади.*

Бироқ агар муаллиф аннотацияни бир тизимда, аниқ ва саводли тарзда ёзган, мақоланинг асосий мазмунини акс эттира олган бўлса, бундай шаблонлардан фойдаланишга ҳожат қолмайди.

Аннотация матни илмий услубда, мураккаб сўз бирикмаларисиз ёзилиши лозим. Асосий талаб – фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш, мақолага дахлдор бўлмаган умумий иборалар ва кириш сўзларни ишлатмасликдир. Аннотацияда, шунингдек, мақолада келтирилган гаплар ва тадқиқот мавзусини сўзма-сўз ёзиш тақиқланади ҳамда график, жадвал ва матндаги иқтибосларни келтиришга йўл қўйилмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, аннотация илмий мақола, асар, китоб, тадқиқот, патент ва ҳ.к.ни тавсифловчи кичик матндир. Ўзибор беринг, у асосий матнни такрорламайди, аксинча, тавсифлайди. Аннотация матнини тўғри ёзиш орқали муаллиф бир қатор ижобий имкониятларга эга бўлади. Авваламбор, айтиб ўтганимиздек, яхши ёзилган аннотация асосий излаш тизимлари (Яндекс, Google) томонидан тез сараланади ва танланади; иккинчидан, бундай аннотация олимларга илмий тадқиқотнинг афзаллик жиҳатлари ҳақида маълумот бера олади ва долзарблигини исботлайди.